Структура мавзолея, основывается на использовании преемственности традиций в архитектуре и стилях художественного декора сооружений Темуридов и Бабуридов, среди которых не только мавзолей Амира Темура, но и мечеть Биби-ханым в Самарканде, комплекс Дорут-Тиловат в Шахрисабзе, мавзолей Хумаюна в Дели, мавзолей Акбара в Сикандра (Агра), мавзолей Итимад-Ад-Даула в Агре.

Интерьер и стены мавзолея изнутри обильно украшены цветочными и растительными узорами, письменами и орнаментом, опоясывающими лентами фризов из белого мрамора в форме цветов и виноградных лоз, символизирующими воскрешение в Райском саду - «парадиз» или повосточному «фирдаус». Для декора стен мавзолея в блестящий белый мрамор, привезенный из Раджастана, было инкрустировано 28 видов камней самоцветов. Эта техника имеет название «Пьетра-Дура».

Художественное оформление интерьера мавзолея Тадж-Махал вобрало в себя стиль и элементы художественного декора, которыми были украшены стены мавзолеев и дворцовых сооружений Амира Темура и Темуридов в Самарканде и Шахрисабзе. Свидетельством тому являются художественные росписи стен в мавзолее Биби-Ханым (1404), мавзолеях комплекса Шахи-Зинда: Ширин-бека ака (1385), Туман-ака (1405), мавзолее Гумбази Сейидан (1438), мечети Кок гумбаз (1435) в Шахрисабзе. Представленные на стенах Самаркандских мавзолеев росписи стилизованных изображений деревьев, пальм, кустов, пучков травы, по стилю и рисунку идентичны художественному декору мавзолея Тадж-Махал, отличающиеся лишь технологией и материалом исполнения.

Темуридские сады в Самарканде, Шахрисабзе, Кабуле, Герате, стали прототипами Бабуридских садов в Индии, наиболее известным из которых стал сад мавзолея Тадж-Махал в Агре – самый большой сад в мире, повторяя композиционные структуры не сохранившихся садов Амира Темура в окрестностях Самарканда.

Сад вокруг мавзолея Тадж-Махал занимающий площадь 6,9 гектаров, распростерся на 300 метров в длину, воспроизводя образ «земного рая», построенный по тому же геометрическому принципу «чар-баг», несомненно, берущий начало в традиционных садово-парковых сооружениях Темуридов.

Дворцовые комплексы Бабуридов в Агре, Дели, Лахоре занимали огромные площади и состояли из системы дворов, окруженных галереями и помещениями для парадных приемов, библиотеки, проживания самих правителей и обитательниц гарема, прислуги и охраны. Обязательным элементом таких дворцовых комплексов были бани, арсенал, большие территории отводились для хозяйственных нужд: кухни, конюшни, помещения для хранения ценностей. Иногда в состав дворцового комплекса входили домашние небольшие мечети (женская мечеть в Дели) и большие дворцовые мечети (Лахор). Схожую архитектурно-планировочную структуру двора и строений, как было сказано выше, включал дворцовый комплекс Амира Темура - Ак-Сарай в Шахрисабзе.

«Сын Бабура, Хумайюн (1530-1556) собирал вокруг себя выдающихся миниатюристов и зодчих Центральной Азии и Ирана. В 1555 г. он привозил в Индию тебризских и ширазских художников-миниатюристов и архитекторов».³¹

Акбар (1556-1605) был покровителем искусства, диктовал историю своего правления и свои мысли писцам, собрав огромную библиотеку.

Акбар, как и Бабур занимался садоводством. Из наиболее значительных его вкладов в архитектуру, восхищающих и по сей день, можно назвать строительство города Аллахабад (1583 г.), Красного форта в Агре - столицы его империи, города-сада Фатехпур-Сикри, сооружений из красного камня, которые запечатлены в миниатюрах к «Акбар-наме» летописи Абу-л Фазла Аллами, описывая империю Великих Бабуридов.

«На берегу Джамны в крепости Красный форт в Агре, Акбар построил Дворец «Джахангири Махал» из красного песчаника, для своего сына Джахангира, схожий с выдающимися дворцами Амира Темура и Темуридов в Центральной Азии. «Джахангири Махал» (1565-1569 гг.), развил архитектуру мавзолея-ханака Яссави».³²

«Сын Акбара Джахангир, ценитель поэзии и красоты природы, больше покровительствует миниатюре, чем архитектуре. Под его патронажем миниатюра даже беспрецедентно подчиняет себе архитектуру в так называемой Стене Картин (1624-1625): эта протяженная северная стена форта города Лахор – разбита на прямоугольные и арочные панели, в которых глазурированной цветной мозаикой выложены растительные и геометрические орнаменты и сцены из жизни могольского двора».³³

В миниатюрах Бабуридов, также были развиты традиции Темуридов изображать свои архитектурные сооружения в произведениях миниатюрной живописи.

³¹ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов Sanat • 01/04/2000 • Выпуск №2 • 524

³² Путь Яссави. Шукур Аскарлов Sanat • 01/10/2000 • Выпуск №4 • 921

³³ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов.

Произведения Камалиддина Бехзада и его учеников, способствовали развитию индийской миниатюрной живописи, сложению нового стиля.

«Миниатюрам индийских художников присуща многоплановость композиционных решений, тонкость и изящество рисунка, отражение архитектурных сооружений. Их миниатюры кажутся жанровыми произведениями. Именно такие черты характерны для многочисленных миниатюр к «Бабур-наме», по которым мы можем изучать архитектурные сооружения Бабуридов в Индии.³⁴

Благодаря миниатюристам и их произведениям, в Индии становятся популярными изображения архитектурных куполов. Роре А.У. отмечает, что вслед за темуридскими куполами на высоких цилиндрических барабанах, «луковичный купол» становится излюбленным среди художников миниатюристов.³⁵ «Этот купол произошел от юрты монгольского типа с покрытием, сплюснутым и вздутым над ее цилиндром. Вздутый абрис унаследован куполами мавзолеев Ширинбека-ака (1385-86 гг.), и парой других в Шахи-Зинде».³⁶ Изображавшиеся в миниатюрах К.Бехзада и его школы юрты, находят свое отражение в индийских миниатюрах к «Бабур-наме» и «Акбар-наме», а в архитектурных сооружениях Бабуридов купола приобретают луковичную форму.

«В индийской миниатюре 1590 г. «Королевская охота близ Лахора» изображены именно Темуридские типы шатров, но в них мы видим уже другие конструкции, где изображены более просторные шатры на стойках, на которых восседает Акбар, внизу стоят его придворные, яркие ковры с растительным декором. В работе «Улугбек на соколиной охоте» Темуридского периода мы этого не наблюдаем, Улугбек сидит в простом павильоне под шатром. Однако именно Темуридские конструкции павильонов и шатров с их художественным декором составили основу индийских шатров XVI в.»³⁷

За три века правления Бабуридов в Индии, в изобразительном искусстве Бабуридов происходят радикальные изменения, в миниатюре создаются уже аксонометрические, перспективные изображения зданий и архитектурных ансамблей с садами и парками, в отличии от плоскостных изображений в миниатюрах Темуридской эпохи.

Индийская архитектура эпохи Бабуридов изменяет композиционное построение миниатюр. Классические композиции миниатюр Темуридской эпохи с персонажами на фоне архитектурных сооружений, садов, расположенные в двухмерной композиции, без приемов линейной и воздушной перспективы, сменяются на трехмерные изображения с передачей глубины пространства, превращаясь в аксонометрические проекции.

³⁴ Мадраимов А.А. «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар» «San'at» журнали нашриёти. Тошкент. 2015.стр.273-276.

³⁵ Роре А.У. Persian architecture; Шукур Аскарлов Архитектура миниатюр в XV-XX вв.;

³⁶ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов.

³⁷ Там же.

В миниатюрах, созданных в эпоху Акбара, уже соблюдаются законы линейной перспективы в изображении панорамы дворцов и дворов с фигурами знати, присутствует реализм и масштабность в архитектуре, используются законы воздушной перспективы.

Индийские художники-миниатюристы, с мастерской Акбара, переняли изысканный стиль миниатюрной живописи Камалиддина Бехзада, объединив его с местными традициями миниатюрной живописи, отражавшие индийский ландшафт и архитектуру. Индийские миниатюристы исполняли и настенные росписи архитектурных сооружений, например, в форте Фатехпур Сикри.

Анализ миниатюр, созданных в Индии в конце XVI – начале XVII в., показывает, что в выборе тем и изображении архитектурных сооружений в миниатюре, индийские художники следовали художникам Темуридской эпохи, которые стремились с точностью показать в своих работах архитектуру и элементы их художественного декора. Однако, с развитием архитектуры Индии, индийские миниатюристы стали перенимать традиции и стиль архитектуры и художественного декора с миниатюрных источников Темуридской эпохи.

Миниатюры, будучи яркими, значительными памятниками индийской миниатюрной живописи, еще раз подтверждают существование преемственности традиций, между Центральной Азией и Индией.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате исследований, проведенных по теме «Художественные особенности архитектуры в миниатюре эпохи Темуридов и Бабуридов» были сделаны следующие выводы:

1. Амир Темур (1336, 1370-1405) вошёл в историю не только как создатель мощного централизованного государства во второй половине XIV-XV вв., объединив 27 стран, но и как создатель заложивший основу для расцвета архитектуры и изобразительного искусства, возрождая высокие традиции прошлых столетий и создавая новые, что стало основой для огромного единого экономического и культурного пространства в Центральной Азии.

2. Созидательная деятельность Амира Темура, заложенные им традиции покровительства архитектуре и изобразительному искусству, была подхвачена и продолжена лучшими представителями династии Темуридов в Мавераннахре и Хорасане – Шахрухом Мирзо, Мирзо Улугбеком, Султаном Хусейном Мирзо, поэтом и покровителем архитектуры и искусства Алишером Навои в Хорасане.

3. По мнению зарубежных ученых: A.U. Pope, A.E. Hergfeld, F. Sarre, H.L. Goethein, D. Schelumberger в исламской архитектуре разных стран были общие приемы планировки дворцовых сооружений, как например, в западных странах сходные принципы планировки имели церкви, монастыри и дворцы. Дворец Ак-сарай в Шахрисабзе можно сравнить с аналогичными планами планировки дворцов: в Удайхире VIII в. близ Багдада, газневийского

дворца Ляшгаргох XIV в. на территории Афганистана, Алгамбра XIV в. в Кордове, дворец Ширваншахов XV в. в Азербайджане и, более поздних дворцов Бабуридов в Индии: Форта Лахор в Пакистане XVI в., комплекса Красный форт в Агре и Дели XVII в., а также дворец Куня Арк в Хиве XIX в.

4. По миниатюрным источникам и памятникам архитектуры двух эпох выявлено, влияние традиционного стиля планировки садов «чар-баг» Темуридской эпохи, на развитие садово-паркового искусства Бабуридов в Кабуле и Индии, а также новшества, введенные ими исходя из природных факторов, выраженных в присутствии больших водных пространств, воздуха, каскада фонтанов, видах растительности, изменении планировки садов, отсутствии крепостных стен.

5. Изучив фрагменты художественного декора архитектурных сооружений и миниатюрные источники эпохи Темуридов, хранящиеся в Государственном музее истории Темуридов, институте археологии в Самарканде, институте восточных рукописей при АН РУз, сопоставив их выявлено, что они с точностью отражаются в произведениях миниатюрной живописи XV-XVI вв., следовательно, художники-миниатюристы, старались отразить в своих произведениях элементы художественного декора дворцов, садов, мечетей, медресе их порталов и айванов, передавая всю красоту и роскошь возводимых сооружений Амира Темура, так как и сами были непосредственными участниками их строительства и художественной отделки.

6. Камалиддин Бехзад, является мастером, оставившим для будущих потомков богатое художественное наследие в виде научных источников по миниатюрной живописи, где нашли свое отражение архитектурные сооружения эпохи Темуридов. В его миниатюрах, мы видим изображения дворцов, медресе, ханака, достоверно отображающих всю красоту и изящество архитектурных строений и их художественного декора XV-XVI вв.

7. Империя, которую заложил Амир Темура (1370-1405 гг.) и Темуриды (в Мовароуннахре до 1501 года, в Хорасане до 1507 года), продолжили преемники и продолжатели их традиций Бабуриды в Индии до 1858 года, оставившие глобальный след в архитектуре и изобразительном искусстве Мировой цивилизации.

8. Дворцовые комплексы Бабуридов, построенных в Лахоре, Агре и Дели, нашли свое сходство с Темуридскими роскошными дворцами, занимающими большие площади, включающих в себя целые комплексы: дороги, окруженные галереями и помещениями для парадных приемов, а также помещениями для проживания самих правителей, комнаты для прислуги и охраны, библиотеки. Обязательным элементом таких дворцовых комплексов были бани, арсенал и территории для хозяйственных нужд: кухни, конюшни, помещения для хранения ценностей. Иногда в состав дворцового комплекса входили небольшие домашние мечети. Примером могут быть дворец Ак-Сарай в Шахрисабзе и дворцово-парковые сооружения близ Самарканда.

9. В архитектурных сооружениях двух эпох найдены общие черты в форме пештаков, архитектурно-планировочной структуре сооружений, и различия, отраженные в конструкциях павильонов, шатров, куполов и строительном материале: у Темуридов - глина, кирпич, ганч, дерево у Бабуридов – красный песчаник, камень, мрамор.

10. По архитектурным памятникам выявлено присутствие единого стиля художественного декора в архитектурных сооружениях двух эпох, отличающихся лишь по технике исполнения: художественный декор Темуридских сооружений отражен в настенных росписях, майолике, мозаике, резьбе по ганчу, дереву, в художественном декоре Бабуридских сооружений использовались резьба по мрамору, красному песчанику, инкрустации по мрамору и зеркальная мозаика.

11. Декоративными украшениями архитектурных сооружений Темуридов и Бабуридов стали монументальные гирихи, растительные ислими, огромные эпиграфические надписи, яркие мозаичные или майоликовые тимпаны арок и сталактитовые венцы куполов. В композиционные принципы построения, которых были заложены - законы геометрической гармонизации с четко поставленной стилизацией рисунка геометрических элементов и растительных форм, которые составили основу архитектурного декора среднеазиатских и индийских архитектурных сооружений. (Схожесть художественного декора мавзолея Тадж-Махал, трех Самаркандских мавзолеев и архитектурного комплекса в Шахрисабзе).

12. Анализ миниатюрных источников, созданных в Индии в конце XVI – начале XVII в. к «Бабур-наме» и «Акбар-наме», выявил, что в изображении архитектурных сооружений, индийские художники следовали традициям художников Темуридской эпохи, которые стремились с точностью отразить в своих работах архитектуру и элементы их художественного декора. С развитием строительства архитектурных сооружений Бабуридов в Индии, их архитекторы и зодчие стали перенимать с миниатюрных источников Темуридской эпохи их методы построения архитектурных сооружений и элементы художественного декора.

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТАРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ГИЛЬМАНОВА НАФИСА ВАЛИАХМЕТОВНА

**ТЕМУРИЙЛАР ВА БОБУРИЙЛАР ДАВРИ МИНИАТЮРАСИДА
МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/A11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati-ixtisoslashgan-kengashlar/122ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZIYONET» ахборот-таълим портали <http://libraryziyonet.uz> манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадраимов Абдумажид Абдураимович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ширинов Темур Ширинович
тарих фанлари доктори, профессор

Султанова Дилшода Намазовна
архитектура фанларинормзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий
Рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш, Навоий кўчаси, 13 уй. Бош ўқув биноси, катта мажлислар зали. Тел: (+998971) 234-11-37; факс (+99871) 241-13-90; Web: www.taqi.uz, e-mail: info@tasi.uz, www.taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12- рақам билан рўйхатга олинган) Манзил:100011, Тошкент ш, Навоий кўчаси, 13 уй. Тел: (+99871) 244-63-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А.Нозилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, арх.н.

Т.А. Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда замонавий дунё архитектураси амалиётида бадиий безак элементларига, миллий анъаналарни ўз ичига олган меъморий иншоотларда қўлланилган машҳур тарихий усулларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Илмий тадқиқот ғоялари халқларнинг миллий-маданий меросига яна бир бор ўз бадиий қиймати ва маънавий аҳамиятини янада яхшироқ тушуниш нуқтаи назаридан қайтмоқда. Дунё миқёсида тадқиқотлар учун катта қизиқишларга сабаб бўлган Шарқ халқларининг кенг кўламли меъморий иншоотлар қурилишидаги асрий тажрибаларини қайта тиклаш архитектура соҳасининг бош мақсадига айланмоқда. Ҳозирда маданий мерос ёдгорликларини миллий анъаналарни ҳисобга олган ва илмий тадқиқотларнинг янги доминантларини аниқлаган ҳолда сақлаш стратегиясини ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келмоқда.

Жаҳон миқёсида маданий меросни муҳофаза қилишга оид илмий тадқиқотлар олиб боришда меъморчилик ва тасвирий санъат соҳасида меъморий иншоотларнинг бадиий безакларини асраб қолиш ва қайта тиклаш бўйича етук мутахассисларнинг етишмаслиги, шунингдек архитектура бадиий хусусиятларининг миллий анъаналарни қамраб олиб комплекс ўрганилмаганлиги натижасида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. “Хусусан ЮНЕСКО ва ИКОМОС — ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича Халқаро кенгашлар маданий меросни сақлашнинг халқаро қоидаларига мос келмайдиган кўплаб бузилишларни аниқлаган ва ушбу камчиликларни баратараф этиш бугунда муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Мустақиллик йилларида буюк аجدодларимиз Амир Темур ва Темурийлар томонидан асос солинган анъаналарга эътибор кучайди, бу ўша анъаналарнинг ҳозирдада қайта тикланишида ўз аксини топмоқда. Меъморий обидалар, масжидлар, йўлларнинг қайтадан қурилиши шулар жумласидандир. Қайта тикланган ҳашаматли ёдгорликлар, ўша давр шарқ санъатини эслатувчи муҳим бадиий асарлардир. «Гап, энг аввало, аҳоли ва ёшлар орасида мамлакатимизнинг бой тарихи, унинг маданияти ва миллий аҳамиятини кенг тарғиб этиш учун муҳит ва шароит яратиш зарурлиги ҳақида боряпти».¹ Ушбу соҳада архитектор ва санъатшунослар олдида маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар турибди. Шунга кўра, "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон коллекцияларида" лойиҳаси асосида кўплаб машҳур музейларда сақланаётган, ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмаган ҳамда янги илмий тадқиқотларни талаб этадиган, меъморчилик ва тасвирий санъат бўйича қимматбаҳо маълумотларга тўпланган ноёб асарларни ўрганишга

¹Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимиз 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16 январь, 2017 й. – Б.1.

талаб ва эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ушбу долзарб вазифанинг ечимларидан бири Темурийлар ва Бобурийлар даврининг меъморчилик ва тасвирий санъат соҳасидаги маданий меросини қайта тиклаш ҳамда ушбу меросни замонавий архитектурага жорий этишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборат. «Меъморий ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза қилиш мақсадида, Ўзбекистоннинг архитектура меросини аниқлилик билан қайта тиклашда меъморий меросни ҳимоя қилиш, қайта тиклаш менежменти мутахассисларини тайёрлаш муҳим ҳисобланади».²

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасиси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги³ ПФ-5030-сонли, 2017 йил 17 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁴ ПФ-6699-сонли, 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁵ Фармонлари, шунингдек 2017 йил 1 сентябрдаги «Ислом цивилизацияси маркази» ва маданий меросни муҳофаза қилишга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темурийлар ва Бобурийлар даврининг меъморчилиги ва тасвирий санъати ҳақидаги муҳим маълумотларни қуйидаги манбаларда топиш мумкин: Амир Темурнинг «Темур тузуклари» рисоласи, Э.Н.Дарскийнинг «Тасвирий санъат усталари мактаби низоми» адабий баёни, Қози Аҳмад Кумийнинг «Ҳаттот ва рассомлар ҳақида» рисоласи, Дўст Муҳаммаднинг «Ҳаттот ва рассомлар ҳақида» рисоласи, Султон Али Машҳадийнинг «Ҳаттотлик бўйича» рисоласи, Содикбек Афшарнинг «Тасвирий санъат ҳақида» рисоласи, Санъат усталари санъати. Шунингдек, Шарқдаги ўрта аср олимларининг ёзма манбалари: Ғиёсиддин Алининг «Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Ибн Араб Шоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарлари, Ҳофиз Абрўнинг «Зайл» ва «Зафарнома» асарларига иловаси, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи

² Юсупова М.А «Остановить разрушение архитектурного наследия». Газета. UZ от 19 марта 2018; Юсупова М.А. CITIZEN Вчера.Сегодня.Завтра.Электронное СМИ №1218 от 12.02.2018.

³ Уш бу Фармон 2017 йил 3 майдаги 87-сон (6751) «Ҳалқ сўзи» газетасида чоп этилган.

⁴ Уш бу Фармон 2017 йил 17 февралдаги 35-сон (6699) «Ҳалқ сўзи» газетасида чоп этилган.

⁵ Уш бу Фармон 2017 йил 24 июндаги 50-сон (9011) «Маърифат» газетасида чоп этилган.

бахрайн», Хондамир, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, Абу Фазл Алломийнинг Акбаршоҳ даври ҳақидаги «Айн-и-Акбарий» (Акбаршоҳ қонунлари) энциклопедияси;

Фирдавсий⁶, Низомий Ганжавий⁷, Абдурахмон Жомий⁸, Алишер Навоий⁹ лар ҳам меъморчилик ва тасвирий санъатни ўз назмларида тасвирлаган. 1480 йилдан 1530 йилгача Ҳирот қўлёзма ва миниатюра санъатининг бадиий ва илмий аҳамиятини Темурийлар даврининг миниатюра ва рассомлик санъатининг етук устаси Камолиддин Бехзод тасвирлаган¹⁰.

Темурийлар ва Бобурийлар даврининг меъморчилиги ва тасвирий санъати қуйидаги рус ва ўзбек олимларининг илмий изланишларида ўз аксини топган: В.В. Бартольд, А.Ю. Якубовский, Б.В.Веймарн, М.Е. Массон, Г.А.Пугаченкова, М.С.Булатов, Э.В.Ртвеладзе, Л.И.Ремпель, К.С. Крюков, Л.Ю.Маньковская, В.А.Нильсен, Х.С.Сулаймонов, Ф.К. Сулаймонова,

К.Д. Керимов, П.Ш.Зоҳидов, Б.Аҳмедов, А.Саидов, А.Ҳакимов, К.Б.Акилова, Н.Р.Аҳмедова, Э.Гюль, Т.Ф. Қодирова, Ш.Д.Асқаров, М.Қ.Аҳмедов, Д.А.Нозилов, М.А.Юсупова, А.С. Уралов, Т.А.Ҳидоят, Т.Ш.Ширинов, К.Д.Раҳимов, О.М. Салимов, А.А.Мадраимов, Ш.М.Шакуров, У.Алимов, З.И.Раҳимова, С.С.Булатов, Х.Т.Султонов, Н.Н. Хабибуллаев, Х.Т. Файзиев, Р.С.Фатхуллаев, Т.Ш. Маматмусаев, Д.Н. Султанова ва бошқалар.

Бугунги кунда 50 дан ортиқ мамлакатларда XIV-XVII асрларда Темурийлар даврининг Марказий Осиёда ва Бобурийларнинг Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик даврлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Темурийлар ва Бобурийлар даврига бағишланган кўплаб асарлар чоп этилмоқда, етук темуршунос ва бобуршунос олимлар илгари маълум бўлмаган ёзма манбалар асосида архитектура ва миниатюра бўйича аниқланган махсус рисолалар устида иш олиб боришмоқда. Ўтган 600 йил ичида яратилган Амир Темур ҳаёти ёритилган асарларнинг чет тилидаги сони 500 га тенг, шарқ тилларида яратилган асарлар сони эса 900 дан ортиқ. Уларнинг орасида қуйидаги хориж олимларининг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга: Ф.Мартин, Л.Биньон, Ж.Вилкинсон, И.Щукин, С.И.Тюляев, Б.Грей, Т.В.Арнольд, Л.Пооп, Б.Робинсон, Т.В.Ленц, З.В.Тоган, П. Вильсон,

⁶ Шахнаме, пер. Ц. Б. Бану и А. А. Лахути, ст. и коммент. А. А. Старикова, под ред. А. А. Лахути и А. Н. Болдырева, т. 1–4, М., 1957–69.

⁷ Низами Ганжеви. Пять поэм / Перевод с фарси. М., 1968.

⁸ Абдурахман Джами. Цикл поэм «Семь корон» («Созвездие Большой Медведицы»). В вошедших в него поэмах: «Саламан и Абсаль», «Юсуф и Зулейха», «Лейли и Меджнун», «Дар благородным», «Чётки праведников», «Золотая цепь», «Книга мудрости Искандара». Джами Абдурахман Нураддин ибн Ахмад / А. Н. Болдырев // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М.: Советская энциклопедия, 1969—1978.

⁹ Алишер Навоий. Хамса. Подготовка к изд. П.Шамсиева. Ташкент: Изд. ЎзРФА, 1960.

¹⁰ Madraimov A. Kamaliddin Bihzad and the 16 century Indian Miniature Painters. – in: Interaction between Indian and Central Asian Sciencis and Technology in Mediaeval Times. vol.2. New Delhi: 1990, p.246-253.

Г.Д. Лаури, Э.Бахари, Ф.Ришар, П.Браун, К.Эшер, Р.Нат, Х.Хукхем, Л.Керэн,
Р. Хиленбранд, Ф.Б.Брессан, Б.Бренд, А.Хагедорн, О.В.Васильева, Е.Паскалева ва бошқалар.

Ўрганилган манбаларда Темурийлар ва Бобурийлар даврининг меъморчилиги ва миниатюраси ҳақида қимматли маълумотлар берилган бўлса-да, ушбу тадқиқотлар умумий тарзда олиб борилган, батафсиллик ва аниқликка эътибор қаратилмаган ёки фақат қисман ё турли алоҳида вазиятларга кўра акс этирилган. Шунинг билан бирга миниатюра манбаларида акс этирилган меъморчиликнинг бадиий хусусиятлари тўлиқ комплекс тарзда ўрганилмаган. Улар икки давр мероси сифатида қиёсий таҳлил нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган ва айнан шу долзарблик мазкур диссертация ишининг асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасисининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маънавий бойликлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатининг тарихи» фундаментал тадқиқотлар мавзусига доирасида 2017-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техникавий фундаментал тадқиқотлар дастури ПФИ-1 илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Темурийлар ва Бобурийлар даври меъморчили-гининг бадиий хусусиятларини сақланиб келаётган архитектура ёдгорликлари, ёзма манбалар, археологик тадқиқотлар ва музей артефактлари асосида миниатюра манбалари орқали филтрлаш усулида комплекс ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Темурийлар ва Бобурийлар даври меъморчилиги ва тасвирий санъатидаги мерос бўлиб ўтган анъаналарни илмий асослаш;

Темурийлар ва Бобурийлар даври нақшларида акс этган, икки давр ёдгорликларида сақланиб қолган меъморий безаклар хусусиятларининг ўзаро таъсирини аниқлаш;

миниатюра манбаларида акс этирилган, икки давр ёдгорликларида сақланиб қолган ўзига хос меъморий-режавий структурани белгилаш;

XIV-XVII аср миниатюра санъати асарларида акс этирилган меъморий иншоотлар бадиий безакларининг ўхшаш жиҳатларини аниқлаш;

Темурийлар даврининг айрим, сақланиб қолмаган, сарой ва боғларини бадиий-график қайта тиклаш бўйича намуна эскизларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIV-XVII асрга оид меъморий ёдгорликлар, ёзма манбалар, миниатюра асарлари, архив ва музей материаллари, бадиий безак артефактлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети XIV-XVII асрларда Темурийлар ва Бобурийлар даврининг меъморчилик ёдгорликлари, уларнинг ёзма ва

миниатюра манбаларидаги артефактларида сақланиб қолган бадиий безакларининг мерос бўлиб қолган анъаналари услубларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида меъморий ёдгорликлар, ёзма ва миниатюра манбалари, музей артефактларида сақланиб қолган қурилишларнинг бадиий-график таҳлили, иншоотларнинг меъморий-режавий ечимларини ўз ичига олган илмий, тарихий, архив, интернет материалларини статистик ва қиёсий таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бобурийлар даври меъморчилиги ва тасвирий санъатида Марказий Осиё усули шаклланишига Темурийлар даврининг меъморий, бадиий анъаналари ва услуги мерос бўлиб ўтганлиги исботланган;

икки давр ёдгорликларида сақланиб қолган меъморий безакларнинг бадиий хусусиятлари композициявий усуллари, колорити, геометрик ва ўсимликсимон нақшлари, уларнинг ўзаро уйғунлик жиҳатлари аниқланган;

XIV-XVI асрларда Темурийлар ва Бобурийлар даври сарой-боғлари ва мақбараларининг «Чорбоғ» меъморий-режавий тузилишга эга эканлиги аниқланган (Шаҳрисабздаги «Оқсарой» комплекси, Самарқанд атрофидаги боғ-саройлар, Аградаги Тожмаҳал мақбараси, Агра ва Дехлидаги Қизил форт, Покистондаги Лаҳор форти);

XIV-XVI асрлар миниатюра санъати асарларида меъморий иншоотлар ва бадиий безакларнинг ҳажм ва ранг жиҳатидан ўхшашликлари аниқланган;

Темурийлар даври айрим саройлари ва боғларининг илк архитектуравий кўринишлари ва бадиий безакларининг бадиий-график моделлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бизгача сақланиб қолмаган Темурийлар даври сарой ва боғларининг меъморий ташқи тузилиши ва уларнинг айрим бадиий безаклари график қайта тикланган;

Шаҳрисабзда қисман сақланиб қолган «Оқсарой» саройининг дастлабки меъморий кўриниши, миниатюра санъати асарлари, ёзма манбалар маълумотлари, археологик тадқиқотлар, архив материалларини комплекс ўрганиш асосида, бадиий-график эскиз варианты яратилган;

археологик тадқиқотлар, ёзма ва миниатюра манбалари, архив фондида сақланган артефактлар асосида Темурийлар даврининг шаҳардан ташқарида барпо этилган «Дилкушо» ва «Давлатобод» боғларининг меъморий ташқи кўринишлари, шунингдек, боғ-томошагоҳ ва саройларга сув чиқариш тизими кўринишлари график модели тикланган;

архив материаллари ва уларнинг миниатюра манбаларидаги ўхшашликлари асосида Темурийлар даври боғ ва саройларида қўлланилган девор ва поллар бадиий безакларининг декоратив нақшларини қайта тиклаш бўйича эскизлар яратилган;

XIV-XVI асрлардаги миниатюра манбаларига таяниб Темурийлар даври саройлари, боғлари, масжид, айвон ва ҳовлиларининг меъморий-режалаштирилган тузилишларининг график эскизлари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, республиканинг ваколатли тузилмалари йўналишларига мослиги, диссертация натижаларидан Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти, Бухоро технология институти ўқув жараёнига тадбиқ этилганлиги, ЎЗР ФАнинг Темурийлар тарихи Давлат музейи, ЎЗР ФАнинг Самарқанддаги археология институти, Халқаро Бобур жамоатчилиқ фонди, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo`ylab” телеканали фаолиятига жорий қилинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, XIV-XVII асрлардаги Темурийлар ва Бобурийлар даврининг 7 та меъморий ёдгорликлари ва 2 та боғларини тадқиқ қилиш ва миниатюра санъати асарларини ўрганиш Ўзбекистон меъморчилиги ва тасвирий санъати назарияси ва тарихига муҳим ҳисса қўшади. Мавзу доирасида «Тасвирий санъатда композиция» (Тошкент, 2014 йил) номли ўқув қўлланма чоп этилган. Ушбу қўлланма ОўЮларининг ўқув-методик жараёнида кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Темурийлар даври сарой ва боғларининг меъморий кўриниши, уларнинг бадиий безак элементларини миниатюра манбалари билан таққослаб бадиий-график қайта тиклаш бўйича кўргазмали материаллар ва буклетлар яратилганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюрасида меъморчиликнинг бадиий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

архитектурада олтин кесим ва композиция назарияси масалалари, композиция қонунлари, мувозанат, колористика каби тушунчаларга янгича қарашлар “Тасвирий санъатда композиция” номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2014 йил 23 августдаги 335-037-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма ўқув жараёнида қўлланилиши архитектура ва тасвирий санъатда композиция тамойиллари ва қонунларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини эгаллаган архитектор ва рассомларни тайёрлаш имконини берган;

XIV–XVI асрларда Темурийлар ва Бобурийлар даври сарой-боғлари ва мақбараларининг “Чор-боғ” меъморий-режавий тузилиши бўйича материаллардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo`ylab” телеканали “Тараққиёт гарови” туркум кўрсатувлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo`ylab” телеканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 19 июндаги 08-14-316-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг мастер-класс орқали дастурда ёритилиши, ёш мутахассисларни тасвирий санъатга ва

архитектурага йўналтириш, уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш учун хизмат қилган;

XIV-XVI асрларга мансуб Шаҳрисабздаги Оқсарой, Самарқанддаги Боғи Дилкушо ва Боғи Давлатобод каби боғ саройларининг график реконструкция таклиф материаллари Темурийлар тарихи Давлат музейида ташкиллаштирилган ва “Темурийлар даври миниатюрасида архитектура” номли экспозицияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 5 октябрдаги 3/1255-2639-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши музейга ташриф буюрувчилар ва саёҳатчиларни XIV–XVII асрларда Темурийлар даври саройи ва боғларининг меъморий-композицион тузилиши билан таништириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Улардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан, улардан 1 таси Ҳиндистон даврий илмий журналарида, 3 таси Россия, 4 таси Республика илмий нашрларида чоп этилган; 9 та мақола илмий-амалий конференция ва семинарлар тўпламида, улардан 5 таси хорижий тўпламларда, шунингдек 1 та ўқув қўлланма нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса (132 саҳифа) дан ташкил топган, иловада манбалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати (13 бет) берилган, шунингдек, жадвал, суратлар ва расмлардан ташкил топган иллюстрациялар 70 та планшетда тақдим этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг услуги, илмий янгилиги ва натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ҳақида баён қилинган.

Диссертациянинг «**Амир Темур ва Темурийлар даврининг меъморчилиги ва тасвирий санъати**» деб номланувчи биринчи бобида зарурлик даражасига кўра Амир Темур, Мирзо Улуғбек даврига оид меъморий қурилишлар, айниқса Самарқанд, Шаҳрисабз, Туркистон ва Тошкент худудидаги саройлар, мадраса, масжид, мақбаралар, боғлар тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва Султон Ҳусайн Мирзо даври миниатюра манбаларида ўзининг энг юқори даражада гуллаб яшнаган даврига эришганлиги кўриб чиқилган.

Бу даврнинг маҳобатли қурилишлари ўзининг улкан кўлами, муҳандислик қарорларининг аслийлиги ва безакларнинг серҳашамлиги билан ажралиб турган.

Амир Темурнинг қурилиш борасидаги анъаналарини ўғли Шохрух Мирзо ва невараси Мирзо Улуғбек давом эттирган ва тарғиб қилган. Амир Темур даврида қурилиши бошланган мадраса, масжид, мақбаралар, боғлар Мирзо Улуғбек томонидан якунига етказилган.

Диссертацияда Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой қароргоҳи XIV асрнинг энг машҳур, аммо қисман сакланиб қолган, ёдгорликларидан бири бўлганлиги учун батафсил ўрганиб чиқилган.

Бунда «Оқсарой» саройининг бадий безакларининг хусусиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилган, шунингдек, ёзма манбалар, ўрта асрлар миниатюра санъати муаллифларининг асарлари, архитектор ва санъатшуносларнинг илмий ишларига таяниб саройнинг бадий ташқи кўринишини график қайта тиклашга ҳаракат қилинган.

Амир Темур саройининг археологик-архитектуравий тадқиқотини Х.Т.Султонов 1973-1976 йилларда ва 1981-1988 йилларда тахминан 1,5-2 метр чуқурликда стратиграфик чуқурликлар қазиб олиб борган. Ушбу қазилмаларда сирланган плитка билан безалган сарой ички қисмининг учта асосий худуди аниқланган. Бу бир текисда кўп ранглар аралашмасидаги турли композицияли гилам кўринишидаги полнинг бетакрор безаклари эди. Шарқий қисм майдони тахминан 120 м², ғарбий қисми эса 140 м² бўлган. Бу қазилмалар натижасида пештоқнинг икки томонида безатилган полли галерея, сарой ва ҳовуз жойлашганлиги аниқланган. Бизгача 650 м² полнинг сирланган плиталари бутун ҳолатда етиб келган. Оқсаройнинг ўз вақтида сарой майдонига ётқизилган сирланган плиткаларнинг нодирлиги ҳақида гапира туриб, мутахассислар, унинг такрорланмаслигини ва шакли, рангига кўра турличалигини, баъзан унда орнаментнинг тасвирлари ҳам ҳар хиллигини белгилашган.

Полларнинг аниқланган безакларига кўра айвон билан ҳисоблаганда 90 метрни ташкил этувчи сарой ҳовлисининг кенглиги белгиланди, очик айвонлар 5-6 метр, хужралар 4-5 метр ва деворларнинг эни 2-3 метр, саройнинг умумий кенглиги 115-120 метрни ташкил этган бўлиши мумкин, пойдеворлар қолдиқларининг ҳажми археологик тадқиқотларда қайд этилмаган.

Сарой ҳовлисининг узунлиги 90 метрга тенг бўлган ёки 90х90 метрнинг иккитаси, яъни 180 метрга тенг бўлиши мумкин. Сарой қурилишининг анъанавий тўғри бурчак остида бўлиши ҳисобга олсак, ўлчамлар Клавиҳо қайдларига мос келади, унга кўра саройнинг энг катта биноси 300 кадамдан иборат бўлган, инсон қадамининг кенглиги 59-61 см га тенглигини ҳисобга олсак (1 газ), саёҳатчи ёзиб қолдирган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқланади. Саройни узунлиги яшаш биноларини ҳисобга олганда 240-250 метрга тенг бўлиши мумкин. Сарой худуди учта ҳовлидан иборат бўлган: маъмурият, боғ-томошагоҳ ва яшаш қисмлари.

Оқсарой пол ва девор безакларининг бўлаклари ва улардаги ўхшаш ёзувларни миниатюра манбаларида ҳам топиш мумкин, уларда безатилган нақш сурати аниқлик билан қайтарилган (ПНС 66, л. 138а. Бахром Гўр Қора саройда. Низомий Ганжавий. Хамса. «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал»). Бухоро, 1648 й.; ПНС 66, л. 1476. Бахром Гўр Олтин саройда. Низомий Ганжавий. Хамса. «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал»); Бухоро, 1648 й.¹¹; К.Бехзод. Юсуфнинг васваси. «Бўстон» Саъдий. Ҳирот, 1488й. Қоҳира, Миллий кутубхона.¹²

Темурийлар тарихи Давлат музейи фондида сақланаётган архив артефактлари билан ишлашда Амир Темур саройлари ва боғларини безатишда қопловчи материал сифатида фойдаланилган декоратив керамик плиталарнинг бўлаклари ўрганилди. Бу фрагментлар бўйича, миниатюра манбаларига таяниб, қачонлардир Оқсаройни беаган нақш ва безакларнинг дастлабки кўринишлари қайта яратилди.

Халқ афсоналарига кўра, бир пайтлар саройнинг юқори қаватларида қурилган қўрғошин тарнов ёки терили трубалар орқали Тахта-қорача тоғларидан сув қуйилиб турадиган мўжазгина ҳовуз бўлган, ҳовуз суви сунъий шаршара билан пастга оқиб турган.¹³

Археологик қазишмалар вақтида ирригация тизими ва сув чиқаришга мўлжалланган кўплаб керамик трубалар топилган. Бироқ, бу фактни тасдиқлайдиган ҳеч қандай илмий адабиётлар мавжуд эмас, шундай бўлсада, Амир Темур даврининг қурилишлари оралиғи ва кўламини ҳисобга олсак, тахмин қилиш мумкинки, сув насослари ёрдамида сувни тепага чиқаришнинг ирригацион тизими мавжуд бўлган, айниқса, XII-XIII асрларда шарқ олимлари механик машина ёрдамида нафақат сувни исталган баландликка чиқариш, балки насос тизими ва тақсимлаш ёрдамида уларни ҳовуз ва фаввораларга бўлиш мумкинлиги ҳақида ўхшаш билимларга эга бўлишган. XII асрда механик ихтирочи, ислом уйғониш даврининг математики ва астрономик Ал-Жазарий замонавий механизмларнинг тимсоли ҳисобланган ва ҳозирги кунгача фойдаланиб келинаётган кўплаб механик қурилмаларни ихтиро қилган. Тахмин қилиш мумкинки, Тахта Қорача доволдан келадиган сув пастки сув захирасида йиғилган, кейин буқалар билан ҳаракатлантириладиган сув кўтарадиган механизмлар ёрдамида юқорига узатилган, у ердан босим остида трубалар бўйлаб пастга йўналтирилган ва фаввора ҳамда сарой ҳудудига тақсимланган.

Буқалар ёрдамида ҳаракатлантириладиган механизмлар ва улар ҳақидаги маълумотлар миниатюра манбаларида ва олимларнинг

¹¹ «Музыкальное наследие Узбекистана в собраниях Российской Федерации» Книга-альбом, Науч.ред. Э.В.Ртвеладзе; Том 6. «UZBEKISTANTODAY» «ZAMONPRESSINFO», Ташкент.2017.

¹² Bihzad Master of Persian Painting - Bahari E. Bihzad Master of Persian painting. London-New York: I.B. Tauris Publishers, 1996.

¹³ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбека. Труды САГУ. Вып. 61. Гуманитарные науки. Кн. 6. Археология Средней Азии. 1953. С. 45.

тадқиқотларида учрайди.¹⁴ Диссертация иловаларида сувни юқорига чиқариш ва сарой фаввораларига тақсимланиш конструкцияси берилган.

Амир Темур шаҳар ташқарисида Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган боғ-роғлар ичига ҳашаматли саройлар қурилишига ҳам катта эътибор қаратган.

Ў.Алимов томонидан 1966-1967 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотларда учта томошабоғлар - Боғи Дилкушо, Боғи Бўлди, Боғи Давлат-Обод боғларининг пойдеворлари излари аниқланган. Тадқиқотчи боғлар режасини қайта тузиб чиқган ва меъморчилик кўринишига нисбатан айрим мулоҳазаларини билдирган.

И.А.Сухарев, Ў.Алимов ва А.С.Ураловнинг илмий тадқиқотлари ва археологик маълумотлари, ёзма ва миниатюрвий манбаларга таяниб, ушбу диссертацияда Дилкушо ва Давлат-Обод боғлари бадиий кўриниши график қайта тикланди.

Миниатюра санъати асарлари ўз шартларига кўра, Темурийлар даврининг меъморчилиги ва бадиий безаклари бўйича, бизларга боғлар тузилиши ҳақида, дарахт ва декоратив ўсимликларнинг шакли, сув хавзалари ва фаввораларнинг турли шакллари, боғ павильонлари ва чодирларнинг кўринишлари, керамик плиткалар билан декоратив қопламалар ва нафис панжаралари ҳақида маълумотлар беради.

Темурийлар даври боғлари ер устидаги жаннат мисоли бўлишган, уларда архитектура, табиат ва сув уйғунлашган.

Чорбоғни режалаштиришда композициявий тамойиллар асосида асосий марказни ажратиш учун «олтин кесим» қонуни - маъновий ва бадиий юкланишнинг катта қисми (яъни, фавворали сарой) ҳисобга олинган, улар кейин яшил ўтлоқзорга тақсимланган. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрини ўраб олган боғлар ҳам дам олиш ва кўнгил ёзиш учун, шунинг билан бирга стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Улар буржлар ва ҳандақлар билан девор атрофида айлантириб чиқилган ва сувга тўлдирилган. Боғлардаги мустақкам қурилган сарой мудофаа вазифасини бажарган бўлиши мумкин, 4 та минора эса кузатиш учун мўлжалланган.

XV аср арафасида ишлаб чиқилган саройли боғ-томошагоҳ - чорбоғнинг олий қонунлари XVI—XVIII асрда Бобурийлар сулоласи томонидан Қобул ва Ҳиндистонда давом эттирилган.

Диссертациянинг «**Темурийлар даври миниатюрасида меъморчиликнинг бадиий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида XIV-XVII асрлар миниатюра манбаларида тасвирланган Темурийлар меъморий иншоотлари бадиий безакларининг таҳлили ёритилган.

Темурийлар даврининг меъморий қурилишлари, табиийки тасвирий санъатнинг ривожланишига ҳам сабаб бўлишган. Меъморий иншоотларни

¹⁴ Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, 1959 (сув чиқарадиган механизмлар), С. 258–271.

янада кўркам қилиш мақсадида юқори суръатларда меъморий безак турлари ривожланиб борган.

Амир Темур даврида бино ва иншоотларни безатишда бадий безакнинг мавжуд эски усуллари билан бир қаторда янги усуллар жорий этилди ва кенг фойданила бошланди.

Ушбу даврда Марказий Осиёга Хоразм, Табриз ва Шероздан, Ҳирот, Суриядан энг яхши меъморий безакларнинг усталари йиғилган эди. Уларнинг ижодлари маҳаллий усталар санъати ва маҳорати билан янада бойиди, натижада нақш ва безакларнинг янги, асл шакли юзага келди ва бу уйғунлик ўз даврида XIV-XV асрларда Амир Темур давлати меъморчилик безакларининг жозибали, ҳашаматли усулининг яратилишига асос бўлди.

XIV асрнинг 1-ярмида Ўрта Осиёнинг меъморий безакларида ўймакорлик, майолика ва кошинкорлик Мовароуннаҳрда оҳактош (гипс) асосда, Хоразмда майда заррали кумдан фойдаланиб елимда ишлаш жуда тез ривожланди. Рангли шаффоф сирланган (ишқор)¹⁵ ва шаффоф бўлмаган эмалли ғиштлар тез-тез учрайди.

XV асрда меъморий безаклар ривожланишида катта ўзгаришлар юз берди, маҳаллий усталар мактаби ва меъморий безак усуллари: Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм мактаблари шаклланди.

Мармар тошларни ўйиш, майолика плиталари, ўйма терракота, интерьер ва айвонларда кундал техникасида оққа кўк рангда деворларга нақшлар ишлаш беаги кенг қўлланила бошланди.

«XIV-XV асрлардаги деворий нақшларда Ўрта Осиё миниатюраси ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Бироқ Амир темур ва Темурийлар давридаги самарқандлик усталар уларга маҳаллий жило беришган эди».¹⁶

«Амир Темур даврининг деворий безаклари ҳақида тушунчалар нисбатан яқинда шаклланган, гарчи унинг мавжудлиги умуман инкор этилган бўлса-да. Бироқ, Ўрта Осиёда юзага келган барча янги безатилган қадимги қўлёзма ва миниатюра асарларини аниқлашда янгидан баҳолашлар юз берди ва ҳозир кўплаб санъатшунослар Темурийлар даври пейзажининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилишган. Ушбу даврнинг табиат суратлари Самарқанд интерьерининг кўринишида XIV асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унга Хитой безак санъати усталари маълум даражада таъсир кўрсатган».¹⁷

«XIV-XV асрларда деворий панноларда мавзуга оид пейзаж суратлари излари бугунги кунгача фақат учта Самарқанд мақбаралари, яъни Шоҳи Зинда мажмуасидаги: Ширинбека-ака (1385 й.); Туман-ака мақбарасида (1405 й.); Биби-хоним (1404 й.) да сақланиб қолган».¹⁸

¹⁵ Гюль Э. Поливная керамика средиземноморья и причерноморья х—хviii вв. том 2. Казань — Кишинев 2017.

¹⁶ Султанова Д. Н. Возникновение и взаимосвязь монументальной живописи в традиционной архитектуре Средней Азии // Молодой ученый. — 2013. — №12. — С. 710-719. — URL <https://moluch.ru/archive/59/7976/>

¹⁷ Якубовский А.Ю. Тимур// Вопросы истории.1946. №8-9.

¹⁸ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. М.: Искусство. 1965. С.284.

«Самарқандда XIV-XV асрлар охирида сюжетли ҳашаматли деворий ёзувларнинг умумий услубига¹⁹ келадиган бўлсак, у шарқ миниатюраси ёзуви услуби билан ўхшаш бўлган (яссилик, ҳаво перспективасининг йўқлиги, маҳаллий тоннинг устунлиги) ва кейинги XVI-XVII асрнинг наққошлик санъатида яшашда давом этган (Гумбази Сайидан мақбараси, Шаҳрисабзда XV асрда Кўк-гумбаз, XV асрда Мирзо Улуғбек мадрасаси, XVII асрда Самарқандда Шердор ва Тиллакори мадрасалари). Паннода кучли стилизацияланган дарахт, буталар, ўтлар боғлами тасвирланган. Ёзув усули даврнинг мавзули расм ва ўсимликлар нақши ўртасида бириктирувчи бўғим ҳисобланади».²⁰

«Самарқанддаги учта мақбара ва Шаҳрисабздаги Дорут-Тиловат мажмуи интерьерининг деворий бадий нақшлари сюжети, 1398 йил ёзма манбалари – «Антология»²¹ дан «бахт боғлари» тасвирланган 11 та пейзаж миниатюралари билан шубҳасиз ўхшашлигини тасдиқлайди. Бу эса ушбу миниатюраларнинг айнан Самарқандда пайдо бўлганини тасдиқлашга имкон беради. «Антология» миниатюрасининг инсон тасвирисиз ўсимликлар пейзажи сюжетлари, учта Самарқанд иншоотларида ва иккита Шаҳрисабздаги биноларда тасодиф бўлмаган ҳолатда бараварига ўз аксини топган.

Самарқанддаги масжид ва мақбараларда деворий нақшлар мавҳум-декоратив табиатга эга бўлиб, гулли орнаменти кўзни қамаштирадиган ранг-баранг гамма ва олтин суви юргизилиши билан кундал усулининг янги санъат техникаси пайдо бўлади».²²

Яқин ва Ўрта Шарқнинг миниатюра санъати X–XIX асрларнинг санъати бўлиб, у Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Табриз, Казвин, Машҳад, Шероз, Ҳиндистон ва бошқа шаҳарларда ўз услуби ва миниатюра яратиш усулига эга мактаблар бўлган ва ривожланган.²³

Темурийлар даврининг рассом-миниатюристлари ўз асарларида сарой, масжидлар, уларнинг пештоқлари ва айвонлари ташқи кўринишларининг бадий безаклари элементларини ишончли аниқлилик билан Амир Темури бунёд этган иншоотларнинг бор гўзаллиги ва ҳашаматини акс эттиришга ҳаракат қилишган ҳамда уларнинг ўзлари бевосита бундай иншоотларнинг қурилиши ва деворларга бадий безак берилишида иштирок этишган.

Камолиддин Беҳзодни, энг аввало, келажак авлодларга Темурийлар даврининг меъморий иншоотлари ўз аксини топган миниатюра санъати бўйича бадий манбалар кўринишида бой бадий мерос қолдирган уста сифатида ўрганамиз. Унинг миниатюраларида XV-XVI аср меъморий қурилишининг барча гўзаллиги ва нафосати ишончли акс эттирилган сарой,

¹⁹ Ўша ерда. С.285.

²⁰ Якубовский А.Ю. Тимур// Вопросы истории.1946. №8-9.

²¹ Санъат қўлёзмаси. Бағбани қайта ёзган. Истамбудаги мусулмон санъати музеида сақланмоқда.

²² Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. М.: Искусство. 1965.С.287

²³ Восточная миниатюра в собрании Центра восточных рукописей им. Абу Райхон Бируни. Ташкент: Изд-во искусства и литературы им. Гафура Гуляма. 1980.

мадраса, хонақоҳлар тасвирини кўрамыз. Бугунги кунда унинг асарлари Темурийлар даври архитектурасини ўрганиш учун қимматли материал ҳисобланади. Унинг «Ҳаворнақ саройи қурилиши», «Самарқандда Жума масжиди қурилиши» миниатюраларида майдонлардаги қурувчилар, улар ортида эса композициянинг юқори ярмида жойлашган сарой, масжид ёки боғнинг савлатли биносининг қурилиш қисми тасвирланган.

Диссертацияда Г.А. Пугаченкованинг «Шарқ миниатюраси XV-XVI аср архитектурасининг манбаси сифатида»,²⁴ Ш.Д. Аскаронинг «Архитектура Темуридов»²⁵, А.А. Мадраимовнинг «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар»²⁶ тадқиқотларига таяниб ва Камоллиддин Бехзод ва мактабининг миниатюра манбаларида янгидан аниқланган деталлар асосида сарой, масжид, яшаш ҳовлилари, боғларнинг архитектуравий ташқи кўриниши, Темурийлар даври иншоотлари безаклари элементларининг график сурати яратилди. Эскиз маълумотларида биз қиёсий таҳлил қилиш ва Бобурийлар даври иншоотлари қурилишига мерос бўлиб ўтган анъаналарни аниқлашда муҳим бўлган илгари маълум бўлмаган Темурийлар даври меъморий иншоотларининг янги анъанавий архитекту-равий-режалаштирилган қурилишини, бадий безак элементлари, уларнинг услубларини учратишимиз мумкин.

Темурийлар тарихи музейи, Самарқанддаги археология институти фондида сақланган архив артефактлари билан ишлашда қачонлардир Амир Темур саройи ва боғларини безаш учун қоплама материал сифатида хизмат қилган декоратив керамик плиткаларнинг қолдиқ бўлаклари ўрганилди.

Сақланиб қолган бўлақлар асосида, қачонлардир Амир Темурнинг Самарқанддаги ҳарбий иншоотлари, сарой ва боғ иншоотларига тегишли нақш ва безакларнинг бирламчи кўринишлари қайта тикланди. Тадқиқот давомида бадий безак бўлаклари ўрта аср миниатюраси тавирлари билан таққосланди ва уларнинг қиёсий таҳлили олиб борилди. Таққослаш натижасида архив артефактлари маълумотлари ўрта аср миниатюра манбаларида аниқлилик билан такрорланиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Темурийлар ва Бобурийлар даври меъморчилик ва бадий анъаналарининг миниатюраларда мерос бўлиб ўтиши**» деб номланган учинчи бобида Темурийлар даври анъанавий меросининг Бобурийлар даври меъморчилиги ва миниатюрасида акс этиши «Бобурнома» ва «Акбарнома»ларга чизилган миниатюра манбалари асосида қиёсий таҳлил қилиш йўли билан аниқланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солган, санъат ва меъморчилик соҳасида бой бадий мерос қолдирган.

²⁴ Пугаченкова Г.А. «Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов». Труды САГУ. вып. XXIII, 1951.

²⁵ Аскарон Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Ташкент: Санъат, 2009.

²⁶ Мадраимов А.А. «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар» “San’at” журнали нашриёти. Тошкент. 2015.

Бобурнинг Мовароуннахрдаги бунёдкорлик фаолияти 1494-1504 йилларга, Қобулда 1505-1525 йилларга, Ҳиндистонни бошқариши 1526-1530 йилларга тўғри келади.

Бобур Темурийларнинг буюк меъморий меросини Ҳиндистонда давом эттиришга катта эътибор қаратган, улардан қурилиш ва меъморчиликка қизиқишни мерос қилиб, ҳаётида гавдалантириб, авлодларига мерос қилиб қолдирган. Бобур даврида Агра пойтахтига санъат намоёндалари, хунармандлар, Марказий Осиё меъморларининг интенсив даражада оқиб кириши кузатилади.

Бобур Темурийлар даври меъморчилигининг билимдони бўлган ва бу ҳақида ўз «Бобурнома»сида ёзиб қолдирган. «Бобурнома»нинг энг қадимий ва нодир қўлёзмалари XVI асрнинг сўнгги чорагига тегишли ва бизгача Бобурнинг невараси Акбаршоҳ саройи кутубхонасида ҳинд миниатюра санъати усталари томонидан бой тарзда безатилиб бизгача етиб келган.²⁷

Ҳиндистонда Бобур меъморий иншоотлар – масжидлар қуриш, анвойи гуллар, дарахтлар, яшил экинлар билан машҳур боғ-томошагоҳлар яратиш, шийпонли саройлар барпо этишни бошлади, бироқ унинг иншоотларида маҳаллий ҳинд анъаналари ўз аксини топмаган.

Архитектуранинг машҳур тарихчиси Катрин Эшер Ҳиндистон худудида сақланган учта ноёб масжидлар номини келтирган, улар бизгача сақланиб қолган «Бобур масжиди», Панипатидаги «Қобул боғи» масжиди ва бошқа икки масжидлар Бири Самбхалда, иккинчиси Айодхьеда Бобур буйруғига кўра унинг яқинлари томонидан қурилган.²⁸

Катрин Эшернинг таъкидлашича: «...Бобур Ҳиндистонда узоқ вақт подшолик қилолмаган бўлсада, у Ҳиндистон меъморчилигига Темурийлар даври қурилиши услубини кирита олди. Бобур шарофати ила Ҳиндистон санъати ва меъморчилигида Марказий Осиё усули пайдо бўлди».²⁹

Меъморий иншоотларни қуриш билан бир қаторда, Бобур XVI-XVII асрда Темурийлар даврининг Ҳиндистондаги маданий мерослари - яшил экинли боғ расталар ва ҳовузларни қайта тиклаш билан ҳам машғул бўлган. Бобур Қобул, Дехли, Агра, Девалапур, Лаҳор ва бошқа шаҳарларда боғлар яратган. Айтишларича Бобурнинг ўзи Ҳиндистонда ўнлаб боғлар яратган. Бобур томонидан яратилган энг машҳур боғларга - 1526-1530 йилларда Боғи Вафо, Боғи - Калон (Қобул яқинида), Рам Боғ, Заҳира Боғ (Агра)лар киради.

«Бобур Ҳиндистонда ўзига маҳаллий иқлимга мос келадиган ёлғиз яшаши учун боғ ва бино излаган, бунда у Темурийларнинг Марказий Осиёдаги ва Ҳиндистонда унгача ҳукмронлик қилган Лоди сулоласи (1451-1526 йй) биноларидан намуна олган. Ҳиндистоннинг ноодатий иқлимидан азият чеккан Бобур 1526-1529 йилларда Темурийлар меъморчилигининг

²⁷ Мадраимов А.А. «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар» «San'at» журнали нашриёти. Тошкент. 2015.стр.249.

²⁸ Asher C.B. Architecture of Mughal India. – Cambridge: University Press, 1995. p.368.

²⁹ Ўша ерда.

одинги тузилишига ўхшамаган бино барпо этган».³⁰ Бобур томонидан Ҳиндистонда бунёд этган павильонлар меъморчилиги Темурийлар даврига оид девор ва ҳандақ билан ўралиб, тўрт қисмга бўлинган классик усулдаги “Чорбоғ” боғларининг тузилишини ўзгартириб юборган. Бобур павильонлари жуда юксак дид билан барпо этилган бўлиб, уларда кўпроқ сув, ҳаво ва ўсимликлар мавжуд бўлган.

Боғ бинолари ташқи кўринишида Ўрта Осиё қурилишларига хос бўлган нафис гуллар суратлари ва шарқнинг қатъий жимжимадор геометрик нақшлари ўйилган устунлар гавдалантирилган. Бобурнинг меъморчилик ва боғ-роғлар яратишни кўпайтириши унинг ворисларига ўтиб борган ва уларнинг ҳар бири Ҳиндистон маданияти ва санъатига ўз ҳиссасини қўшган.

Тожмаҳал мақбараси Ҳиндистондаги энг машҳур иншоот бўлиб, Бобурийларнинг Ҳиндистондаги ва Темурийлар даврининг Марказий Осиёдаги меъморий қурилишлари орасида икки даврнинг бадиий анъаналари меросини бирлаштириб боғловчи бўғим ҳисобланади. Машҳур архитектура ва унинг бадиий безаклари манбаларининг илдизи Самарқандга бориб тақалади, худди шундай Тожмаҳал ҳам Темурийлар меъморчилигининг бадиий ва қурилиш анъаналарини ўз ичига олиб меъморчилик услубини кенгайтиради.

Мақбара тузилиши Темурийлар ва Бобурийларнинг мерос бўлиб ўтган меъморий услубларига асосланади, улар орасида Самарқандда Амир Темур мақбараси ва Бибиҳоним масжиди, Шаҳрисабзда Дор ут-Тиловат комплекси, Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Сикандр (Агра)даги Акбаршоҳ мақбараси, Аградаги Итимад-Ад-Даул мақбарасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Интеръер ва ички деворлар жуда кўп гуллар ва ўсимлик тимсоллари, ёзувлар ва нақшлар, гул ва ток новдаси шаклида оқ мрамрдан ҳошияли чизиқлар билан безатилган бўлиб, жаннат боғида ҳаётга қайтишга «парадис» ёки шарқона «фирдавс»га қиёсланади. Мақбара деворлари беағи учун Рожистондан келтирилган оқ ёрқин мрамрлар, ўзига хос тошларнинг 28 хил тури терилган. Бу техника «Пьетра-Дура» номини олган.

Тожмаҳал мақбараси интеръерининг бадиий беағи Амир Темур ва Темурийлар даврининг Самарқанддаги сарой иншоотлари ва мақбараларнинг деворлари безатилган геометрик элементлар ва ўсимлик безакларини ўзида мужассамлаштирган. Бунга Самарқанддаги Бибиҳоним мақбара мажмуи (1404), Шоҳи-Зинда мақбараси мажмуи: Ширин-бека ака (1385), Туман-ака (1405), Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидан (1438) мақбараси, Кўк гумбаз масжиди (1435), Дор ут-Тиловат мажмуи, шунингдек, Амир Темур ва Темурийларнинг сарой-боғ қурилишларида сақланиб қолмаган девор нақшларини мисол қилиб келтириш мумкин.

³⁰Аскарлов Ш. Львы в единении: Темуридский павильон XVI – XVII вв. Sanat • 01/10/2002 • Выпуск №4 • 482.

Самарқанд мақбаралари деворларида Тожмаҳал мақбарасининг усули ва суратлари бўйича бадий безакларига ўхшаш дарахтлар, пальма, буталар, ўтларнинг услубий тасвирлари туширилган.

Темурийларнинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Қобул, Ҳиротдаги боғлари Бобурийларнинг Ҳиндистондаги боғлари учун тимсол бўлишган, улардан энг машҳури Аграда Тожмаҳал мақбарасининг боғи – Амир Темурнинг Самарқанд атрофидаги боғларида сақланиб қолмаган композицион тузилишларни такрорлаб дунёдаги энг катта боғ саналади.

Тожмаҳал мақбараси атрофидаги 6,9 гектар майдонни эгаллаган, узунлиги 300 метрга чўзилган, «ердаги жаннат» мақомига эга бўлган боғ «Чорбоғ» нинг геометрик тамойиллари билан ўхшаш, бу шубҳасиз, Темурийлар даври иншоотларининг боғ-томошагоҳ анъаналарининг мерос бўлиб ўтганлигидан дарак беради.

Бобурийларнинг Лаҳор, Агра ва Дехлидаги сарой мажмуалари, ҳарбий иншоотлари катта майдонларни эгаллаган ва айвонлар билан ўралган ҳовли ҳамда намоишли қабуллар учун бино, кутубхона, ҳукмдор ҳовлиси, хизматчи ва кўриқчилар хонасидан ташкил топган. Бундай саройларда ҳаммом, майдон бўлиши шарт бўлган, жуда катта ҳудудларни хўжалик эҳтиёжлари учун жойлар – ошхона, отхона, хазина сақлаш жойи эгаллаган. Баъзан сарой мажмуига катта бўлмаган масжидлар (Дехлидаги аёллар масжиди) ва катта сарой масжидлари ҳам кирган (Лаҳор). Худди шундай меъморий тузилиш режаси ва қурилиш, юқорида таъкидланганидек, Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуига ҳам кирган.

«Бобурнинг ўғли Ҳумоюн (1530-1556) атрофига Марказий Осиё ва Эроннинг энг етакчи миниатюристлари ва меъморларини йиғган. 1555 йилда у Ҳиндистонга Табриз ва Шерозлик рассом-миниатюристлар ва меъморларни чорлайди».³¹ Камолиддин Беҳзод миниатюрасининг нозик усули миниатюрада ҳиндларнинг: чизиқлар, ранг, композиция, тематика, ландшафт, меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган эди. Миниатюристларларга бевосита тошларга деворий нақшларни уларнинг юзасини силлиқламасдан миниатюра чизиш топиширилади, масалан, Фатехпур Сикрига.

Акбаршоҳ (1556-1605) санъат ҳомийси бўлган, ҳумронлиги даврининг тарихи ва ўз фикрларини тўплаб улкан кутубхона ташкил этган.

Акбар Бобур каби боғдорчилик билан шуғулланган. Унинг меъморчиликка қўшган муҳим ҳиссаларидан, ҳозирги кунгача ҳайратлантирадиган бунёдкорлигига Оллоҳобод шаҳрининг қурилиши (Акбаршоҳ томонидан 1583 йилда асос солинган), империясининг пойтахти Агранинг Қизил форти, қизил тошдан қурилган ва Абул Фазл Алломийнинг «Акбарнома» солномаси миниатюраларида тасвирланган, буюк Бобурийлар империясини гавдалантирувчи Фатехпур-Сикри шаҳар-боғини мисол қилиб келтириш мумкин.

³¹ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов. Sanat • 01/04/2000 • Выпуск №2 • 524

«Агранинг Жамна қирғоғидаги Қизил форт қалъасида Акбаршоҳ Марказий Осиёдаги Амир Темур ва Темурийлар саройларига ўхшаш «Жаҳонгири Маҳал» саройини ўғли Жаҳонгир учун қизил кумтошдан курдирган. «Жаҳонгири Маҳал» (1565-1569 йй), Яссавий мақбара хонақоҳи архитектурасини ривожлантирган эди».³²

«Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгир шеърят ва табиат гўзаллигининг шайдоси, меъморчиликка қараганда миниатюрани кўпроқ қўллаб қувватлайди. Унинг ҳукмронлиги остида миниатюра ҳатто мислсиз даражада, масалан, Суратлар девори номи билан ўзига меъморчиликни бўйсундиради. (1624-1625). Бу Лаҳор шаҳри фортининг шимолий девори бўлиб, сирланган рангли кошнлар билан ўсимликлар ва геометрик нақшлар ҳамда мўғулларнинг ҳаётий саҳналари тасвирланиб, тўғри бурчак ва равоқли панелларга бўлинган».³³

Бобурийлар миниатюрасида Темурийларнинг меъморий қурилишларини миниатюра санъати асарларида акс эттириш анъанаси ҳам ривожланган эди.

Камолиддин Беҳзод ва шогирдларининг асарлари ҳинд миниатюраси санъати ривожланиши ва янги усул қўшилишига ёрдам берди.

«Ҳинд рассомлари миниатюрасига композициявий қарорларнинг кўп режалилиги, суратнинг нозик ва нафислиги хос бўлиб, бу уларнинг меъморий қурилишларида акс этган. Уларнинг миниатюрлари жанрга оид асарлар бўлган. Айнан бу хусусиятлар «Бобурнома»га чизилган кўплаб миниатюра-ларга хос бўлиб, улардан бобурийларнинг Ҳиндистондаги меъморий қурилишларини ўрганиш мумкин».³⁴

«Миниатюра санъати усталари ва уларнинг асарлари сабаб Ҳиндистонда меъморий гумбазлар тасвири машҳур бўлган. А.У. Роренинг таъкидлашича, Темурийлар даврининг юқори цилиндрли барабан гумбазлари «пиёзсимон гумбазлар» рассом-миниатюристларни доимо ўзига жалб этган».³⁵

«Бу гумбазлар қопланган, ялпоқ ва унинг цилиндри ичига шиширилган каби мўғуллар ўтовидан кўчирилган. Шиширилган абрис гумбазлардан Шоҳи Зиндадаги Ширинбека-ака мақбараси (1385-86 йй) ва қолган иккитасига мерос бўлиб ўтган».³⁶

Камолиддин Беҳзод мактаби миниатюраларида тасвирланган ўтовлар, «Бобурнома» ва «Акбарнома»ларга чизилган ҳинд миниатюраларида ва Бобурийларнинг пиёзсимон шаклдаги гумбазли иншоотларида ўз аксини топган.

«1590 йилдаги «Лаҳор яқинидаги шоҳона ов» ҳинд миниатюрасида айнан чодирларнинг Темурийлар даврига оид турлари тасвирланган, бироқ

³² Путь Яссави. Шукур Аскарлов. Sanat • 01/10/2000 • Выпуск №4 • 921

³³ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов.

³⁴ Мадраимов А.А. «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар» «San'at» журналі нашриёти. Тошкент. 2015.стр.273-276.

³⁵ Pore A.U. Persian architecture; Шукур Аскарлов Архитектура миниатюр в XV-XX вв.;

³⁶ Архитектура миниатюр в XV-XX вв. Шукур Аскарлов.

уларнинг конструкцияси бошқача, устунлар ушлаб турган кенг чодирда савлат тўкиб ўтирган Акбар ва пастроқда сарой аёнлари, ўсимлик нақшлари билан безалган ёрқин гиламлар тасвирланган. «Улуғбек овчи лочини билан овда» суратида Темурийлар даврининг белгилари кузатилмайди. Мирзо Улуғбек чодир остида оддий бинода ўтиргани тасвирланган. Бироқ, айнан Темурийларнинг бино ва чодир конструкциялари ва бадиий безаклари XVI асрда ҳинд чодирларининг асосини ташкил этган».³⁷

Бобурийларнинг Ҳиндистондаги уч асрлик ҳукмронлигида тасвирий санъатда кескин ўзгаришлар юз берди, миниатюрада Темурийлар даври миниатюрасидаги силлиқ тасвирлардан фарқли бинолар ва боғ, томошагоҳли меъморий мажмуаларнинг аксонометрик, перспектив тасвири яратила бошланди.

Бобурийлар даврида ҳинд меъморчилиги миниатюраларининг композициявий қурилиши ўзгарган. Темурийлар даврининг меъморий иншоотлар ёки боғ фониди персонажлар билан икки ўлчамли композицияда жойлашган, чизиқли ва ҳаво перспективаси қўлланилмаган миниатюранинг классик композицияси уч ўлчовли тасвирлар билан алмашилиб, замон ва маконнинг чуқур асосига узатилиб, аксонометрик проекцияга айланади.

Акбаршоҳ даврида яратилган миниатюраларда сарой манзараси ва турли шаклли ҳовлилар тасвирида чизиқли перспектива қоидаларига риоя қилинган, меъморчиликда реализм ва кўламлилиқ мавжуд бўлган ва ҳаво перспективаси қонунлари қўлланилган.

Акбаршоҳ давридаги ҳинд рассом-миниатюристлари Камолиддин Беҳзод миниатюра санъатининг нозик усуллари маҳаллий миниатюра санъати анъаналари билан уйғунлаштириб ифода этишган ва улар чизиқлар, ранг, композиция, ҳинд ландшафти ва меъморчилигида акс этган жанрларда намоён бўлган. Ҳинд миниатюристлари деворий нақшларни меъморий иншоотларга ҳам қўллашган. Бунга Фатехпур Сикри мисол бўла олади.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида Ҳиндистонда яратилган миниатюралар таҳлили мавзу танлаш ва меъморий қурилишларни тасвирлашда ҳинд рассомлари Темурий рассомлар изидан боришганини кўрсатди, улар Темурийлар даврининг меъморчилиги ва уларнинг бадиий безаклари элементларини аниқлилиқ билан кўрсатишга ҳаракат қилишган. Бироқ, ўрта асрларда қурилиш ишлари ривожланиши билан миниатюра архитектурада иншоотларни қуришда янги техник усулларни тақозо қилди ва уларнинг сюжетлари ва Бобурийлар миниатюрасида аксинча, архитектор ва меъморлар архитектурада миниатюра манбаларидан фойдаланишни бошлашган.

Ҳинд миниатюра санъатининг машҳур, ёрқин ёдгорликлари бўлган миниатюралар Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасида мерос бўлиб қолган анъаналар мавжудлигини яна бир бор тасдиқлайди.

³⁷ Ўша ерда.

ХУЛОСА

“Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюрасида меъморчиликнинг бадий хусусиятлари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Амир Темур (1336, 1370-1405) тарихда нафақат XIV-XV асрда Марказий Осиёда кучли марказлашган 27 та мамлакатни бирлаштирган, улкан, ягона иқтисодий ва маданий давлат асосчиси сифатида ном қозонган, балки меъморчилик ва тасвирий санъат гуллаб яшнаши учун юз йиллик аъналарни қайта тиклаб ва янгиларини яратишга асос солган улуғ бунёдкор бўлганлиги исботланган.

2. Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти, меъморчилик ва тасвирий санъатга ҳомийлик қилиш аъналари Моваруаннаҳр ва Хуросонда Темурийлар сулоласининг энг сара намояндалари Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Мирзо томонидан, Хуросонда шоир ва меъморчилик ҳамда санъатнинг ҳимоячиси Алишер Навоий томонидан таҳсинга сазовор тарзда давом эттирилган.

3. Хориж олимлари А.У. Pope, А.Е. Hergfeld, F. Sarre, Н.Л. Goethein, D. Schelumberger фикрича, турли мамлакатлардаги ислом меъморчилигида сарой қурилишлари режасида худди ғарб мамлакатлари черковлари, монастр ва саройлари қурилишида ўхшашлик бўлгани каби умумийлик жиҳатлари мавжуд бўлган. Жумладан, Оқсарой саройининг Боғдод яқинидаги Удайхир саройи (VIII аср), Афғонистон худудидаги ғазнавийларнинг Лашкаргоҳ саройи (XI аср), Кордовадаги Алҳамбр (XIV аср), Озарбайжондаги Ширвоншоҳ саройи (XV аср) ва кейинги даврлардаги Ҳиндистонда Бобурийлар саройлари – Покистондаги Форт Лаҳор (XVI аср), Агра ва Дехлидаги Қизил форт (XVII аср), шунингдек, XIX асрга мансуб Хивадаги Кўҳна Арк саройларига ўхшаш томонларини таққослаш мумкин.

4. Икки даврнинг миниатюра манбалари ва меъморий ёдгорликлари бўйича Темурийлар даврида бунёд этилган «Чорбоғ» боғининг аънавий қурилиш усули Бобурийлар даврининг Қобул ва Ҳиндистонда боғ-роғлар санъати ривожланишига таъсири, шунингдек, улар томонидан табиат омилларидан келиб чиқиб киритилган катта сув майдонлари, ҳаво, фавворалар шалоласи, ўсимлик шакллари, боғлар тузилишининг ўзгариши, қалъа деворларининг йўқлиги акс эттирилган янгиликлар таклиф этилди.

5. ЎзР ФА ҳузуридаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Самарқанд археология институти, шарқ кўлөзмалари институтида сақланган Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари ва миниатюра манбаларининг бадий безакларининг қимматбаҳо бўлақларини ўрганиб, уларни таққослаб, архив артефактлари ва уларнинг бадий безаклари элементлари XV-XVI аср миниатюра санъати асарларида аниқлилик билан акс этиши аниқланди. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, миниатюрист-рассомлар ўз асарларида сарой, масжид, мадрасаларнинг пештоқлари ва айвонларининг ташқи кўринишларининг бадий безак элементларини, Амир Темур бунёд этган

иншоотларнинг барча гўзаллиги ва жозибасини тўлалигича акс эттиришга ҳаракат қилишган ва уларнинг ўзи ҳам уларнинг қурилиши ва бадий безатилишининг бевосита иштирокчиси бўлганлиги исботланган.

6. Камолиддин Беҳзод кейинги авлод учун миниатюра санъати бўйича бадий манбалар кўринишида ўзи бевосита қурилиш ва деворларнинг бадий пардозланишида иштирок этган Темурийлар даври меъморий иншоотлари акс эттирилган бой маданий мерос қолдирган уста ҳисобланади. Унинг миниатюраларида XV-XVI асрнинг меъморий қурилиши ва бадий безакларининг барча гўзаллиги ва нафосатини, сарой, мадраса, хонақолар тасвирини кўриш мумкин.

7. Амир Темур (1370-1405 йй.) ва Темурийлар асос солган империя (Мовароуннаҳрда 1501 йилгача, Хуросонда 1507 йилгача) мероси ва анъаналарини Бобурийлар Ҳиндистонда 1858 йилгача дунё цивилизацияси меъморчилиги ва санъатида глобал из қолдириб давом эттирган.

8. Бобурийларнинг Лаҳор, Агра ва Деҳлида қурилган сарой мажмуалари Темурийларнинг катта майдонларни эгаллаган, бутун комплексларни – йўллар, намоишли қабуллар учун галерея ва бинолар билан ўралган, шунингдек, ҳукмдор ва ҳарамдагиларнинг яшаш бинолари, хизматкор ва кўриқчилар хоналари, кутубхоналарни ўз ичига олган ҳашаматли саройлари билан ўхшаш бўлган. Бу каби сарой мажмуаларида ҳаммомлар, майдон ва хўжалик эҳтиёжлари учун ҳудудлар: ошхона, отхона, хазина бойликларини сақлаш биноси албатта бўлиши шарт бўлган қисмлар ҳисобланган. Баъзан сарой мажмуи таркибига катта бўлмаган уй масжидлари киритилган. Мисол тариқасида Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Самарқанд яқинидаги боғ-томошагоҳ қурилишларини келтириш мумкин.

9. Икки даврнинг меъморий иншоотларида пештоқлар, гумбазлар конструкцияси, савдо расталари, боғлар қурилишидаги умумийлик ва хусусийлик, қурилиш материалларидаги фарқ: Темурийларда – гил, ғишт, ганч, ёғоч, Бобурийларда эса – қизил қумтупроқ, тош ва мрамардан фойдаланганликлари исботланди.

10. Икки давр меъморчилиги архитектуравий безакларида ягона услубнинг мавжудлиги аниқланган: Темурийлар даври меъморчилигининг бадий безакларида, саройларида, мадраса-масжидларида ва боғларида шарқона нақшнинг турли хил услублари (бадий безак, кошин, керамика, терракота ва эпиграфик нақшлар) ишлатилган, Бобурийлар даври меъморчилигининг бадий безакларида эса кўпроқ ярим қимматбаҳо тошлар ва оқ мрамар материалларидан фойдаланилган.

11. Темурийлар ва Бобурийлар меъморий қурилишларининг декоратив безакларига монументал шакллар, ўсимликлар тимсоли, улкан эпиграфик ёзувлар, ёрқин кошинкор ёки сирланган мусаллас идишлари ва гумбазларнинг осилган халқалари хос бўлган. Геометрик шакллар ва ўсимлик расмини аниқ монанд қилиб чизишни геометрик уйғунлаштириш қоидаларига асосланган қурилишнинг композицион қоидалари Ўрта Осиё ва Ҳинд меъморчилик қурилишлари меъморий безакларининг асоси бўлган

(Тожмаҳал мақбараси, Самарқанддаги учта мақбара ва Шаҳрисабздаги мажмуа бадий безакларининг ўхшашлиги).

12. XVI аср охири – XVII аср бошларида Ҳиндистонда «Бобурнома» ва «Акбарнома»ларга яратилган миниатюралар таҳлили, мавзу танлашда ва меъморий иншоотларни тасвирлашда, ҳинд рассомлари Темурийлар даври рассомлари изидан боришган ва ўз ишларида уларнинг меъморчилиги ва бадий безакларини аниқлилик билан кўрсатишга ҳаракат қилишганини кўрсатди. Бироқ ўрта асрларда иншоотлар қурилиши ривожланиши билан, меъморчиликда иншоотлар қурилишида янада кўпроқ янги техник усулларни тақозо қилди ва уларнинг сюжетлари Бобурийлар миниатюрасида ўз аксини топиб, меъмор ва архитекторлар меъморчиликда кўпроқ миниатюра манбаларидан фойдаланишига олиб келган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.A.11.02 AT THE TASHKENT
ARCHITECTURAL – CONSTRUCTION INSTITUTE**

TASHKENT ARCHITECTURAL – CONSTRUCTION INSTITUTE

GILMANOVA NAFISA VALIAKHMETOVNA

**ART FEATURES OF ARCHITECTURE IN AN ERA MINIATURE
TEMURIDS AND BABURIDS**

**18.00.01 – Theory and history of architecture.
Restoration and reconstruction of architectural monuments**

**DISSERTATION ABSTRACT
OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON ARCHITECTURE**

Tashkent –2018

The theme of the doctoral dissertation (PhD) is registered in the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2017.3.PhD/A11.

The dissertation (PhD) was carried out at the Tashkent Architectural – Construction Institute.

The abstract of the dissertation is posted in two languages (Uzbek, Russian) on the website of Scientific Council: <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati-ixtisoslashgan-kengashlar/122> – ixtisoslashgan-kengashlar. Html and on the informational and educational portal «ZIYONET» <http://libraryziyonet.uz>

Scientific supervisor:

Madraimov Abdumazhid Abduraimovich
Doctor of history, professor

Official opponents:

Shirinov Temur Shirinovich
Doctor of history, professor

Sultanova Dilshoda Namazovna
Philosophy Doctor of Architecture, associate,
professor

Leading organization:

National Institute of arts and design of K. Bekhzad

The defense of the dissertation will take place on _____ «___», 2018 at ___ at the meeting of Scientific Council No. DSc.27.06.2017.A.11.02. at Tashkent architectural – construction institute (Address: 100011, Tashkent city, Navoy street, 13, Tel: +998971 234-11-37, fax: +998971 241-13-90 web page www.taqi.uz, e-mail: info@taqi.uz. Main building, big conference hall of the Tashkent architectural-construction institute).

The dissertation has been registered in the Information-resource center of the Tashkent Architectural-Construction Institute (registered under number 12). Address: 100011, Tashkent city, Navoy street, 13, Tel: +998971 244-63-30, Main building, 1st floor.

The abstract of dissertation sent out on «___» _____ 2018.

(mailing report No ___ on «___» _____ 2018).

D.A. Nazilov

Chairman of the scientific council
awarding scientific degrees, Doctor of
architecture, professor

T.Sh. Mamatmusaev

Secretary of scientific council awarding
scientific degrees, Philosophy Doctor of
Architecture

T.A. Hidoyatov

Chairman of the scientific Seminar at the
scientific council awarding scientific
degrees, Doctor of architecture, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The purpose of research work: is to study the artistic features of the architecture of the Timurids and the Baburids in preserved architectural monuments, written sources, archaeological research, archival and museum artifacts of art decor by filtration through miniature sources.

Research object: architectural monuments, written sources, works of miniature painting, archival and museum materials, artifacts of artistic decor of the XIV-XVII centuries.

Scientific novelty of the research work is as follows: the continuity of the Timurid style of architectural and artistic traditions of the Timurids epoch was proven, which influenced the formation of the Central Asian style in the architecture and fine arts of the Baburid era;

the fact of mutual influence, artistic features of architectural decor in the surviving monuments of two epochs, reflected in composition, style, color, geometric and floral ornament colors of two epochs is revealed;

the architectural and planning structures of palaces, gardens, mausoleums («char bag») of the Timurids and Baburids of the 14th-17th centuries were refined. (in the Ak-Saray complex in Shakhrisabz, palaces around Samarkand, the mausoleum of the Taj Mahal in Agra, the Red Fort in Agra and Delhi, Fort Lahore in Pakistan);

in the works of miniature painting XIV-XVII centuries identified analogues of architectural structures and their artistic decoration;

models of artistic and graphic reconstruction of the architectural appearance and elements of their artistic decor of some palaces and gardens of the Timurid era are made.

Implementation of the research results. The implementation of the research results was conducted in the following directions:

new information about the golden section, questions of the theory of composition, the laws of composition, balance, coloristics are used in the textbook "Composition in Fine Arts" (License of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan for printing and publication under № 335-037 from 23.08.2014). The use of the textbook in the educational process will serve to train future architects and designers with the skills to effectively use compositional principles and laws in the field of architecture and visual arts;

materials of the architectural-planning structure "Charbag" in the palace and park buildings of the Timurids and Baburids epoch in the XIV-XVI centuries were used in a number of scenarios of the "Guarantee of Progress" telecast of the National Television and Radio Company of Uzbekistan on the Dunyo bo`ylab TV channel. (Reference of the National TV and Radio Company of Uzbekistan «State Unitary Enterprise of the TV channel «Dunyo bo`ylab» under No. 08-14-316 of June 19, 2018). Coverage of the results of research through a master class in the program for young professionals in the field of fine arts and architecture, will serve as a direction to research work;

graphic materials on the reconstruction of palaces and gardens of the XIV-XVI centuries, such as the Ak-Saray in Shakhrisabz, Dilkusho and Davlatabad gardens in Samarkand, were used in the “Architecture in Miniature of the Timurids” exhibition at the State Museum of Timurids (The act of introduction of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan dated October 5, 2018 under No. 3 / 1255-2639). Using the results of scientific research, will allow visitors and tourists to the museum to familiarize themselves with the architectural and planning structure of palaces and gardens of the Timurids epoch of the 14th-17th centuries.

Structure and amount of the dissertation. The thesis consists of: introduction, three chapters, conclusion (132 pages), the appendix gives a list of sources and literature (13 pages), as well as an album of illustrations consisting of tables, figures and photographs, also presented on 70 tablets, in size A2 (42x59).

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Гильманова Н.В. Символика различных видов архитектурных построек // Проблемы архитектуры и строительства. Научно-технический журнал САМГАСИ, 2014 -№1. С. 49-55. (18.00.00. Мил.н.№ 2).

2. Гильманова Н.В. Композиция в архитектуре. Проблемы архитектуры и строительства журнал СамГАСИ, 2015- №1.С. 25-33. (18.00.00.Мил.н.№ 2).

3. Гильманова Н.В. Из истории изучения архитектуры и изобразительного искусства эпохи Амира Темура и Темуридов. Проблемы архитектуры и строительства // Научно-технический журнал СамГАСИ, Самарканд, 2016. №3. С. 12-15. (18.00.00.Мил.н.№ 2).

4. Гильманова Н.В. К вопросу исследования источников по истории архитектуры и изобразительного искусства эпохи Амира Тимура и Тимуридов. Журнал Архитектура. Строительство. Дизайн. Научно-практический журнал // Ташкент. 2016. №3-4. С. 20-23. (18.00.00.Мил.н.№ 1).

5. Гильманова Н.В. Мечети Бабура. // «Мозийдан Садо», - 2017. - №3/75. С.21. (18.00.00.Мил.н.№ 3).

6. Гильманова Н.В. Сады Темуридов // «Шарқ юлдузи», - Ташкент. 2016. № 6. С.145-148. (17.00.00.Мил.н.№ 9).

7. Гильманова Н.В. Культурное наследие Темуридов // «Шарқ юлдузи», - Ташкент. 2017. № 3. С.130-133. (17.00.00.Мил.н.№ 9).

8. Гильманова Н.В. The Ak-Saray palace. // International Journal of Scientific and Technology Research.-Raipur, India. ISSN: 2350-0328 Volume 5, Issue 6, June 2018. Page 6080-6087. (18.00.00. Евр.н.№ 4)

9. Гильманова Н.В. Роль освещения в архитектуре. (Часть I) // Материалы XVIII Международной конференции Архитектор. Город. Время. Санкт-Петербург. 2015; С. 76-79.

10. Гильманова Н.В. Роль освещения в архитектуре. (ЧастьII) // Материалы XIX Международной конференции Архитектор. Город. Время г.Санкт-Петербург. 2016; С. 65-69.

11. Гильманова Н.В. Тадж-Махал-преемственность культур Темуридов и Бабуридов // Материалы Всероссийской Международной конференции Искусство-диалог культур. Грозный. 30.11 2017. С. 76-80.

12. Гильманова Н.В. Гениальный живописец Камалиддин Бехзад. // Материалы Республиканской научно-практической конференции Роль развития науки и культуры в эпоху Амира Темура и Темуридов в Мировом масштабе, посвященной 680-летию Амира Темура, Ташкент. Государственный музей истории Темуридов. 09.04.2016. С. 74-75.

13. Гильманова Н.В. Мавзолей Тадж-Махал-общность культур Темуридов и Бабуридов. Материалы Республиканской научно-практической

конференции, посвященной ко дню рождения Бабура. Ташкент. Государственный музей истории Темуридов 10.02.2017.

II часть (II бўлим; II part)

14. Гильманова Н.В. Композиция в изобразительном искусстве. Учебное пособие для архитекторов и дизайнеров. Изд-во Истиклол нури. Ташкент. 2014. С. 288. ISBN№978-9943-4470-8-0

15. Гильманова Н.В. Мирзо Бобур курдирган масжидлар. // Бобур ва дунё. Илмий-маърифий, адабий-бадий журнал. № 3 декабрь 2017. С.56-57

16. Гильманова Н.В. Гениальный живописец Камалиддин Бехзад. Материалы Международной научно-практической конференции. Роль развития науки и культуры в эпоху Амира Темура и Темуридов в Мировом масштабе, посвященной 680-летию Амира Темура. Париж. Посольство Узбекистана во Франции. 25.05.2016.

17. Гильманова Н.В. Великий шелковый путь. // Евразийское обозрение. №1 2016. Материалы X Международного Симпозиума. Китай. г. Пекин. 01.03.2016.С.62-63.

18. Гильманова Н.В. Композиционные традиции в садово-парковых сооружениях эпохи Амира Темура. // Материалы Международной научно-практической конференции Садово-парковое искусство. Вчера, сегодня в будущем. Шахрисабз. 9-10.12.2016. С. 15-22.

19. Гильманова Н.В. Камалиддин Бехзад и архитектура. // Материалы Международной научно-практической конференции Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Государственный музей истории Темуридов Ташкент. 13-14.09.2017. С. 77-78

20. Гильманова Н.В. Мечети Бабура. // Материалы Международной научно-практической конференции Значение произведений З.М.Бабура в Мировой истории, Андижан. 26 – 28.10. 2017. С. 300-301.

21. Гильманова Н.В. Архитектурные сооружения Бабура. Материалы Республиканской научно-практической конференции Роль развития науки и культуры в эпоху Амира Темура и Темуридов в Мировом масштабе, посвященной 681-летию Амира Темура. Ташкент. Государственный музей истории Темуридов. 06.04. 2017.

22. Гильманова Н.В. Творчество Камалиддина Бехзада. // Материалы Республиканской научно-практической конференции. Развитие культуры и искусства в эпоху Амира Темура. Ташкент. Национальный институт искусств и дизайна им.К.Бехзада. 01.03.2016. С. 93-100.

23. Гильманова Н.В. Золотое сечение и вопросы теории композиции. // Научный сборник статей ТАСИ.Ташкент. 2014. С. 81-84.

24. Гильманова Н.В. Освещение в современной архитектуре города. // Материалы XXIV конференции. Научный сборник статей ТАСИ.Ташкент. 2015. С.21-25.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди («__»_____2018 йил).

Босишга рухсат этилди: «__»_____2018 йил
Бичими 60x84 ¹/₁₆, «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,2. Адади: 100. Буюртма: № 280.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.

